

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**418 «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида
товарларни расмийлаштиришда божхона юк декла-
рациясини тўлдириш қоидалари тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2154*

(2010 йил 22 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 27, 28, 89 ва 90-моддалари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда), «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 230-модда) 6-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 17-сон, 215-модда) билан тасдиқланган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими тўғрисидаги низомга мувофиқ Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Раис

С. НОСИРОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 15 октябрь,
01-02/12-24-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона кўмитасининг 2010 йил
15 октябрдаги 01-02/12-24-сон қарорига
ИЛОВА

«Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш ҚОИДАЛАРИ

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда) 27, 28, 89 ва 90-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонуни 6-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) ва Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 17-сон, 215-модда) билан тасдиқланган «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги алоҳида божхона режими тўғрисидаги низомга мувофиқ «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасига (бундан кейинги ўринларда «Навой» ЭИИЗ деб юритилади) жойлаштириладиган ва ундан чиқариладиган товарларга божхона юк декларациясини (бундан кейинги ўринларда БЮД деб юритилади) тўлдириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. «Навой» ЭИИЗга жойлаштириладиган ва ундан чиқариладиган товарларга БЮД «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 834, 1999 йил 3 ноябрь) (бундан кейинги ўринларда Йўриқнома деб юритилади) асосида тўлдирилади.

2. Товарларни «Навой» ЭИИЗга олиб кириш ва ундан олиб чиқиш вақтида божхона расмийлаштируви учун божхона органларига Йўриқномада назарда тутилганлардан қўшимча равишда мазкур низомга келтирилган иловадаги ҳужжатлар тақдим этилади.

3. Илгари вақтинча сақлаш, эркин омбор ва божхона омбори божхона режимига жойлаштирилган товарлар тўғридан-тўғри эркин иқтисодий зона божхона режимига расмийлаштирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида илгари вақтинча олиб кириш ва қайта ишлаш божхона режимларига жойлаштирилган чет эл товарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига илгари вақтинча олиб чиқиш ва қайта ишлаш божхона режимларига жойлаштирилган товарлар белгиланган тартибда бошқа божхона режимига расмийлаштирилгандан сўнг, эркин иқтисодий зона божхона режимига расмийлаштирилиши мумкин.

II. Ўзбекистон Республикаси товарларини «Навой» ЭИИЗга жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

4. Декларант томонидан БЮД асосий варағининг қуйидаги устунлари ва қўшимча варақларнинг тегишли устунлари тўлдирилади: рақамли — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 8, 9, 11, 12, 13, 14, 16, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 26, 28, 29, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 53, 54;

харфли — А (фақат БЮД асосий варағида), В ва С.

5. Ушбу Қоиданинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган БЮД устунлари (1, 17, 17а, 44-устунлардан ташқари), Йўриқноманинг 3-бўлимига мувофиқ тўлдирилади.

6. БЮДнинг 1, 17, 17а, 44-устунларини тўлдириш қуйидаги ўзига хос жиҳатларга эга:

1-устун. «Декларация тури»:

устуннинг биринчи бўлинмасида товарларни йўналиши экспорт режими «ЭК» кўрсатилади;

устуннинг иккинчи бўлинмасида божхона режими коди эркин иқтисодий зона «71» кўрсатилади;

устуннинг учинчи бўлинмаси қуйидагича тўлдирилади:

«1» — агар «Навой» ЭИИЗ қатнашчисининг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотни «Навой» ЭИИЗга жойлаштира;

«0» — агар «Навой» ЭИИЗ қатнашчисининг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланмаган маҳсулотни «Навой» ЭИИЗга жойлаштира.

17-устун. «Тайин этилган мамлакат»:

устунда «Ўзбекистон» кўрсатилади.

17а-устун. «Тайин этилган мамлакат коди»:

устунда жаҳон мамлакатлари таснифномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг коди кўрсатилади.

44-устун. «Қўшимча ахборот/ тақдим этиладиган ҳужжатлар»:

8-бандида қўшимча тақдим этиладиган ҳужжатларнинг рақами ва санаси кўрсатилади.

III. Чет эл товарларини «Навой» ЭИИЗга жойлаштиришда БЮДни тўлдириш

7. Декларант томонидан БЮД асосий варағининг қуйидаги устунлари ва қўшимча варақларнинг тегишли устунлари тўлдирилади: рақамли — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 16, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 53, 54;

харфли — А (БЮДнинг асосий варағида), В, С.

8. Ушбу Қоиданинг 7-бандида кўрсатиб ўтилган устунлар (1 ва 44-устунлардан ташқари) Йўриқноманинг 6-бўлимига мувофиқ тўлдирилади.

9. БЮДнинг 1 ва 44-устунлари қуйидагича тўлдирилади:

1-устун. «Декларация тури»:

устуннинг биринчи бўлинмасида товарларнинг йўналиши импорт «ИМ» кўрсатилади;

устуннинг иккинчи бўлинмасида божхона режими коди эркин иқтисодий зона «71» кўрсатилади;

устуннинг учинчи бўлинмаси қуйидагича тўлдирилади:

«1» — агар «Навой» ЭИИЗ қатнашчисининг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотни «Навой» ЭИИЗга жойлаштиради;

«0» — агар «Навой» ЭИИЗ қатнашчисининг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланмаган маҳсулотни «Навой» ЭИИЗга жойлаштиради.

44-устун. «Қўшимча ахборот/тақдим этиладиган ҳужжатлар»:

8-бандида қўшимча тақдим этиладиган ҳужжатларнинг рақами ва сана-си кўрсатилади.

IV. «Навой» ЭИИЗга жойлаштирилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда БЮДни тўлдириш

10. «Навой» ЭИИЗга жойлаштирилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда БЮДнинг 37 ва 44-устунлари қуйидагича тўлдирилади:

37 — устун «процедура»:

а) «Навой» ЭИИЗга жойлаштирилган чет эл товарларини ўзгартирилмаган ҳолатда реэкспорт божхона режимига расмийлаштиришда «11 71 **» (3 — жуфтлик «49» рақамидан ташқари) кўрсатилади;

б) «Навой» ЭИИЗга жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси товарларини ўзгартирилмаган ҳолатда экспорт божхона режимига расмийлаштиришда «10 71 **» (3 — жуфтлик «49» рақамидан ташқари) кўрсатилади;

в) «Навой» ЭИИЗда ишлаб чиқарилган товарларни экспорт божхона режимига расмийлаштиришда «10 71 49» кўрсатилади.

44-устун. «Қўшимча ахборот/тақдим этиладиган ҳужжатлар»:

8-бандида қўшимча тақдим этиладиган ҳужжатларнинг рақами ва сана-си кўрсатилади.

V. «Навой» ЭИИЗга жойлаштирилган товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб киришда БЮДни тўлдириш

11. «Навой» ЭИИЗдан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларни расмийлаштиришда БЮДнинг 15, 15а, 37 ва 44-устуннинг 8-банди қуйидагича тўлдирилади:

15-устун. «Ўзбекистон» кўрсатилади;

15а-устун. Жахон мамлакатлари таснифномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг коди кўрсатилади.

37-устун. «процедура»:

а) «Навой» ЭИИЗга олиб кирилган чет эл товарларини ўзгартирилмаган ҳолатда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш учун расмийлаштиришда «** 71 **» (3 — жуфтлик «49» рақамидан ташқари) кўрсатилади;

б) «Навой» ЭИИЗга олиб кирилган Ўзбекистон Республикаси товарларини ўзгартирилмаган ҳолатда реимпорт божхона режимига расмийлаштиришда «41 71 **» (3 — жуфтлик «49» рақамидан ташқари) кўрсатилади;

в) «Навой» ЭИИЗда ишлаб чиқарилган товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш учун расмийлаштиришда «** 71 49» кўрсатилади.

44-устун. «Қўшимча ахборот/тақдим этиладиган ҳужжатлар»:

8-бандида қўшимча тақдим этиладиган ҳужжатларнинг рақами ва санаси кўрсатилади.

«Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш
қоидаларига
ИЛОВА

**«Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида
товарларни расмийлаштиришда божхона органларига
қўшимча тақдим этиладиган ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. «Навой» ЭИИЗ қатнашчисининг мазкур Рўйхатга келтирилган иловага мувофиқ аризаси;

2. «Навой» ЭИИЗда рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

3. Ишлаб чиқариш учун «Навой» ЭИИЗ ҳудудига олиб кирилиши мўлжалланаётган товарлар тўғрисидаги маълумотлар (товарнинг номи, микдори, Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН бўйича коди, қиймати, келиб чиқиш мамлакати);

4. Ишлаб чиқариш учун товарлар (хорижий товарлар ва Ўзбекистон товарлари) ҳамда маҳсулотлар билан амалга ошириладиган операциялар ва бундай операцияларни амалга ошириш натижасида олинadиган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги уларнинг сарфлаш нормалари тўғрисидаги маълумотлар;

5. Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга, «Навой» ЭИИЗнинг бошқа қатнашчисига ёки «Навой» ЭИИЗ қатнашчиси ҳисобланмайдиган шахсга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун бе-

риш (бегоналаштириш) мўлжалланаётган маҳсулот тўғрисидаги (товарнинг номи, миқдори, Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН бўйича коди, хорижий товарлар ва Ўзбекистон товарларининг маҳсулот бирлигидаги таркиби, маҳсулот бирлигининг қиймати) маълумот.

«Навой» эркин индустриал-иқтисодий
зонасида товарларни расмийлаштиришда
божхона органларига қўшимча тақдим этила-
диган хужжатлар рўйхатиغا
ИЛОВА

**«Навой» ЭИИЗда товарларни божхона
расмийлаштирувидан ўтказиш учун
АРИЗА**

1. Товарларга алоқадор «Навой» ЭИИЗ қатнашчисининг номи ва манзили.
2. Шартнома рақами ва санаси.
3. Юк кузатув хужжатлари рақами ва санаси (инвойс, счёт-фактура, СМР, Карнет ТИР, темир йўл юк хати, авианакладной)
4. Тақдим этилган хужжатлар асосида товарлар таснифи:
 - а) товарнинг савдо ва/ёки техник тафсилоти;
 - б) ТИФ ТН бўйича код рақами (товарнинг 10 белгили коди кўрсатилади);
 - в) товарнинг ўлчов бирлигидаги миқдори (кг, литр, метр, дона ва х. к.);
 - г) товарнинг шартнома бўйича қиймати.
5. «Навой» ЭИИЗда товарлардан фойдаланадиган шахснинг номи ва манзили (агар товарлар фойдаланиш учун беришга (бегоналаштириш) мўлжалланаётган бўлса).
6. «Навой» ЭИИЗда товарлардан фойдаланиш учун «Навой» ЭИИЗ бошқа қатнашчисига бериладиган (бегоналаштириш) тақдирда 15 кун олдин божхона органига хабар бериш бўйича маълумот.

Сана, имзо, муҳр

Изоҳ: кўп турдаги товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун ариза берилганда, тақдим этилган хужжатлар асосида товарлар таснифи алоҳида варақда кўрсатилиши мумкин.